Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 18 июль

№ 26 (417)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан*

## МУСТАҚИЛЛИК МУЛКИНИНГ МЕЪМОРЛАРИ

*Истиқлол бадиалари*

***Ўтмишга қарамасдан бугунни, бугунга назар солмасдан эртани кўриш қийин. Кишилик тарихи буни яққол исботлаб турибди. Аждодлар яшаган дориломон замонларда яратилган моддий ва маданий хазинадан баҳраманд бўлмасдан туриб, айни замонда маънавият ва маърифат, мозий ва тарих, мерос ва ихлос хусусида том маънода гапириб бўлмайди. Азиз ватандошларимиз қанчалик донишманд ва салоҳиятли бўлса, шунчалик эртанги кунига ишонч ва умид билан қарайди, ўз наслига арзирли маънавий ва моддий мерос қолдиради.***

*Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий сўзи билан айтганда, мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бизни одам қилган, эътиборга сазовор этган нарса—бу, тарихий хотирадир. Биз тарихни қанча чуқур ўргансак ва моҳиятига етсак, аждодларимиз барҳаёт руҳларини шод этиб, улар мерос қилиб қолдирган маънавий бойликлардан баҳраманд бўлсак, шунча келажак авлодлар бизларни ҳам эъзозлайди ва қадру қимматимизга етади. Чунки ўтмишига тош отган, тарихини қарғаган кишилар икки дунёда ҳам ёлчимайдилар. Мозий меросини, тарих хазинасини, ўтмиш бойлигини қадрлаган, кўзининг қароғидек асраб-авайлаган, уни наслларга етказиш умиди билан яшаган кишилар элу юртда азиз ва мўътабар бўлганлар. Президентимизнинг тарихимиз, ўтмишимиз, меросимиз, аждодларимиз хусусида қайғурганида катта маъно бор. Ҳақиқий раҳбаргина ўз Ватани, ўз миллати, ўз элу юрти истиқлоли ва истиқболи ҳақида шундай қайғуради. Ўн икки йилдирки, камина бунга гувоҳдир. Президентимиз Мустақиллик мулкининг ҳақиқий меъморидир. Дарвоқе, бу мулкнинг яна дунёга машҳур буюк меъморлари бор: Амир Темур, Алишер Навоий!*

Дарҳақиқат, мозий моҳиятини англамоқ, тарих салоҳиятини тушунмоқ замони келди.

Мустақиллик бизга Эркинлик эшикларини очди, Озодлик нурлари билан ҳаётимизни мунаввар қилди, мустабидлик кишанларидан элимиз, дилимиз, тилимизни фориғ этди.

Не бахтки, Мустақиллигимиз ўн икки ёшга кирмоқда. Ўн икки йилдан буён биз ҳуррият насимидан баҳрамандмиз. Ўзимизни ўз юртимизда эркин ҳис қилмоқдамиз, ўз сўзимизга, ўз овозимизга, ўз ўрнимизга эгамиз. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли улуғ оиласининг бир аъзосимиз. Ўз юртимиз, ўз Пойтахтимиз, ўз Байроғимиз, ўз Мадҳиямиз бор. Улуғ давлат, саодатли салтанат эгасимиз.

Шўролар тузуми даврида якка мафкура ҳукмронлик қилган, қандай яшаш кераклиги ҳақида Москвадан кўрсатмалар келиб турган, бу кўрсатмалар миллий равнақимизга зид келса ҳам, мажбуран ва манқуртларча бажарилаётган, узоқ йиллар давом этган мустабид тузум шароитида жамиятни инқирозга етаклаётган муаммолар йиғилиб қолган эди. Миллий, диний, тарихий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг (масалан, Соҳибқирон Амир Темурнинг) миллатимиз равнақи учун қилган буюк ишларини ҳурмат билан тилга олиш мумкин эмасди. Буюк мутасаввуфлар дунёсининг эшиклари беркитилган эди. Атрофда кўзбўямачилик авж олган, рост гапни айтиш хавфли эди. Бу, мустақил республикамизнинг асосчиси ва ташкилотчиси, биринчи Президенти Ислом Каримов ошкора айтганидай, жамиятнинг маънавий инқирози эди. Жамиятни мана шу инқироздан олиб чиқиш учун халқимизнинг руҳини поклаш, тушкунликдан олиб чиқиб, руҳан юксалтириш учун минг йиллик маънавий бойликларимизни, ахлоқий поклик, маданият ва маърифат соҳасидаги буюк меросимиз хазиналарини унга қайтариб бериш зарур эди.

Мустақиллик шароитида, жамиятнинг маънавий покланиши жараёнида, иймон-эътиқод ва у билан боғлиқ ижтимоий адолат, фуқароларнинг тенглиги муаммолари биринчи даражали масалаларга айланиб қолди. Чунки фуқароларимизни иймон-эътиқодли, покиза виждонли қилиб вояга етказмай туриб, жамиятнинг маънавий покланишига эришиш мумкин эмас. Бундай улуғвор ишни, ўз вазифасини ва ўзининг йўлбошловчилик бурчини тўғри англаган кишигина қила олар эди. Президентимиз Ислом Каримов ана шундай жасоратли ва мард инсон бўлиб чиқди. Халқимизнинг юрагида яшаб келган буюк Соҳибқирон Амир Темур номини, унинг шаъну шавкатини тиклаб элу юрт қаддини тоғдек кўтарди, улкан ишларга даъват этди, ўзига ишончини мустаҳкамлади, Ватанига бўлган меҳру муҳаббатини янада оширди. Президентимиз бошлаган ишнинг муқаддаслигини ўз вақтида англаган халқимиз улуғ раҳбаримиз ортидан эргашди.

Амир Темур—халқимизнинг ғурур-ифтихори, ор-номуси, иймон-эътиқоди, пок виждони ва букилмас иродаси! У—ўзбек номини дунёга таратган буюк Соҳибқирон, Эрк деганнинг юрагида асрлардан буён яшаб келаётган азиз инсон!

Халқимизнинг юрак уришини яхши билган раҳбаримиз Амир Темур номини тиклаш билан яна бир карра элу юрт меҳрини қозонди. Айниқса, пойтахтимизнинг қоқ марказидаги хиёбонда Мустақилликнинг бир йиллиги шарафига буюк Соҳибқирон ҳайкалининг ўрнатилиши ва хиёбонга Амир Темур номининг берилиши мислсиз қутлуғ иш бўлди, элу юртнинг боши осмонга етди.

Жуда узоқларни кўзлаган Президентимиз қутлуғ ишини давом эттириб, ҳазрати Амир Темур шаъну шавкатини янада сарбаланд қилди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан тақдирланди ва ҳар икки қадимий шаҳарда Соҳибқироннинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилди. Олий даражада ўтказилган бу улуғ тантаналар жаҳон афкор оммасини ҳайратга солгани бежиз эмас.

**(Давоми 3-бетда).**

*“Ғалла—2003”*

## ХИРМОНГА БАРАКА

***Республикамиз ғаллазорларида ўрим-йиғим мавсуми якунловчи паллага кирди. Ҳозир шуни очиқ эътироф этиш мумкинки, жорий йилда миришкорлар бор маҳорат, тажрибаларини ишга солган ҳолда табиат қийинчиликларига қарамай мўл ҳосил етиштирдилар. 17 июлга қадар 1 миллион 386,9 минг гектар ғаллазорларнинг 1 миллион 25,4 минг гектаридаги ҳосил ўриб олинди. Уюлган жами хирмон 4 миллион 185 минг тоннага етди. Ҳосилдорлик ҳам ҳар*** бир карра намойиш этдилар. Улар 61 минг гектарга барака уруғи қадаб, ҳозирга қадар қарийб 60 минг гектар ердаги ҳосилни саранжомлаб олишди. Олинган ялпи ҳосил 554,4 минг тоннага етди. Гектар бошига 47,4 центнерни ташкил этганлигини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ғаллакорлари ҳам мавжуд майдонлар қайтимини



**—Пок ният-ла Яратгандан сўрайлик: омборларимиз буғдойга тўлсин, халқимиз турмуши фаровон бўлсин! — дейишмоқда аҳдига вафодор ғаллакорлару, «пўлат от» суворийлари.**

***доимгидан юқори бўлди.***

Агар ўтган йили гектар бошига шу кунга қадар ўртача 38,8 центнердан дон ўриб-янчиб олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 40,8 центнерга етди.

Андижон вилоятининг аҳдига содиқ деҳқонлари, агар омилкорлик билан меҳнат қилинса, тупроғи олтинга тенг еримиз саховати нималарга қодирлигини яна ўртача 75,1 центнердан дон йиғиштириб олган андижонликларни ҳар қанча шарафласак, улардан ўрнак олсак арзийди.

Фарғона, Наманган вилоятлари миришкорлари эришган муваффақиятлар ҳам таҳсинга лойиқ. 17 июлга қадар фарғоналиклар 511,3 минг тонна, наманганликлар эса 308,4 минг тонналик дон хирмони уйдилар. Бир гектар ердан олинган дон тегишли равишда Фарғонада 48,7 Наманганда кўтариш, яъни, ҳосилдорликни ошириш йўлида фидокорона тер тўкиб, мақтаса арзигулик ютуқларни қўлга киритяптилар. Масалан, гектар бошига суғориладиган ерлардан Самарқанд вилоятида 53,4 центнер, Бухоро вилоятида 45,1 центнер, Қашқадарё вилоятида 45 центнер, Тошкент вилоятида 44 центнер, Сурхондарё вилоятида 42,4 центнердан дон ўриб-янчиб олинди.

Юқорида номлари қайд этилган илғор вилоятлар ғаллакорларининг эришган муваффақиятлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳали республикамизда дон етиштириш учун қўшимча ер майдонлари ажратилмаган ҳолда ялпи хирмонни юксалтиришнинг анчагина резерв ва имкониятлари мавжуд экан. Хусусан, ҳар гектар суғориладиган ердан ўртача 26,3 центнердан дон олган Сирдарё вилояти, 30,8 центнер ғалла ўриб-янчиб олган Хоразм вилояти, 33,9 центнердан ҳосил тайёрлаган Жиззах вилояти, 34,7 центнердан хирмон кўтарган Қорақолпоғистон Республикаси деҳқонлари бу кўрсаткичларни илғорлар даражасига етказа олсалар, мамлакатимизда ғаллачилик анча юқори поғонага кўтарилган бўларди.

Биз яхши биламиз. Ушбу вилоятларнинг ғаллакорлари, мард, танти, меҳнаткаш инсонлар. Улар Фарғона вилояти ва бошқа пешқадамларнинг илғор тажрибасини ўрганиб, она ер саховатини янада оширадилар.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларидан маълум бўлишича жорий йилдаги ғалла майдонлари ўтган йилдагидан 143 минг тонна кўп. 17 июлга қадар жами ғаллазорларнинг 72,9 фоиз ҳосили ўриб олинди. Ўйлаймизки аҳдига содиқ ғаллакорлар қолган пайкаллардаги ризқ-рўзимизни ҳам қисқа муддатларда ўриб-янчиб олиб, ялпи хирмонни ҳар қачонгидан-да юксалтирадилар. Биз уларга қийин аммо шарафли ишда катта муваффақиятлар тилаймиз. Хирмонингизга барака, азиз ғаллакорлар!

**Ҳазратилло РЎЗИЕВ,**
**“Адолат” мухбири.**

## МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

***Каттақўрғон туманида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиб, ерларнинг фермерлар ва оилавий пудратчиларга бўлиб берилгани катта самара бермоқда. Айниқса, бу ғаллачиликда яққол кўзга ташланаяпти.***

Деҳқончилик қилинган 10167 гектар суғориладиган ва лалми майдонларда бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик билан киришилди. Далаларда 15 та «Кейс» русумли америка комбайнлари юксак унум билан ишлади. Ўнлаб автотранспортлар ҳосилни даладан хирмонга, хирмондан қабул шоҳобчасига пешма-пеш етказиб турди. Натижа кутилгандан ҳам қувончли бўлди. 20921 тонна дон ишлаб чиқилди. Давлатга 18382 тонна дон сотилиб, режа топшириқлари 101 фоизга адо этилди. Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб зафар қучган бу туман ғаллакорлари 1993 тонна урғлик дон етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Эришилган ютуқда Жума Ҳайитов, Навоий номли. «Ғалаба», «Пахтакор» ширкат хўжаликлари ғаллакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу хўжаликларда ҳар гектаридан 56-57 центнердан ҳосил олиниб, йиллик режалари 112-116 фоизга бажарилди.

Шу кунларда мўл-ҳосил жамғарган деҳқонлар келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам пойдевор яратишга киришдилар. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинаяпти. Бу эса кузги дон экиш мавсумига эрта киришиб, келгуси йилда бу йилдагидан ҳам баракалироқ дон ҳосили етиштиришнинг мустаҳкам гаровидир. Зеро, омборида дони, дастурхонида иссиқ нони бўлган халқнинг турмуш фаровонлиги ҳам ошаверади.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**«Адолат» мухбири.**

**• Республикамизда ғалла тайёрлашга бағишланган материалларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.**

## ҲАМКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

***Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифи (10-12 июнь кунлари) якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Польша ишларининг Ўзбекистондаги муваққат ишончли вакили Михал Лабенда журналистлар билан учрашувни оча туриб, ушбу ташриф якунларидан Польша ва Ўзбекистон томонлари чуқур қониқиш ҳосил қилганлигини таъкидлади.

— Ислом Каримовнинг сафар дастури ниҳоятда тиғиз бўлди, - деди дипломат. – Биринчи кун Польша Президенти Александр Квасневский билан учрашув бўлиб ўтди, у белгиланган вақтдан анча узоқ давом этди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Учрашув ниҳоятда самарали ва ошкора бўлди". Икки томонлама муносабатлар, шунингдек халқаро сиёсат ва минтақадаги хавфсизлик масалалари юзасидан кенг миқёсда фикр алмашилди.

Шу куннинг ўзида делегацияларнинг кенгайтирилган таркибида ҳам музокаралар ўтказилди. Уларнинг якунларига кўра, иқтисодиёт, ҳарбий техника, банк, божхона, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда Польша ва Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган саккизта ҳужжат имзоланди. Бундан ташқари, Ўзбекистонга ҳар бири 15 миллион АҚШ доллари миқдорида иккита кредит бериш тўғрисида битим имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Ислом Каримов ва унинг ҳамроҳлари Гданскда бўлишди. Бу ерда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вакиллари ва шаҳар маъмурияти билан учрашув ўтказилди. Айни шу вақтда Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов Польша Қуролли кучлари бўлинмаларида бўлиб, Польша мудофаа вазири билан амалий мулоқотлар ўтказди. Томонлар Қодир Ғуломовнинг жорий йил охирида Польшага ташрифининг айрим жиҳатларини келишиб олишди. Кутилаётган ташрифда Польша ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш кўзда тутилмоқда.

Аввал маълум қилганимиздек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Польшага ташрифи чоғида кредит ажратиш, божхона иши, халқаро юк ташиш соҳаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Шунингдек, Польша ва Ўзбекистон мудофаа вазирлари ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида Баённома, Польша халқаро ишлар институти ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси институти ўртасида ўзаро ҳамфикрлик тўғрисида меморандум, Польша сайёҳлик ташкилоти ва “Ўзбектуризм” миллий компанияси ўртасида туризмни тарғиб қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

***“Туркистон-пресс”.***

*Гиёҳвандликка қарши кураш: муаммо, тажриба, ечим*

## «ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ»

***Героин қора доридан 10 баробар кучли ва даҳшатли. Бу ажал оғусининг жуда тез илдиз отиши, унга қарши кескин чоралар кўришни тақозо қилади. Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси гиёҳвандликка қарши курашнинг энг мақбул йўлини топди. Жойларда тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш эвазига наркоманиянинг асл қиёфасини кўрсатишга эришди.***

***Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддалар устидан назорат қилиш минтақавий комиссияси, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ташаббуси билан бошланган “Оғусиз дунё сари” дастури республикамиз миқёсида кенг оммалаштиришга арзигулик иш бўлди. Бу ҳақда мухбиримизга Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, мазкур дастур ташкилий қўмитасининг раиси, милиция полковниги Мадаминжон Шамшитдинов қуйидагиларни гапириб берди:***

—Гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи шахслар боши берк бу кўчага билмай кириб қолганлигини айтадилар,—деди у.—Чиндан ҳам ёшлар билан суҳбатлашсангиз уларнинг аксарияти наркоманиянинг, айниқса, героиннинг нақадар аянчли оқибатларга олиб келишини яхши билишмаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ёпирилиб келаётган “қора вабо” ҳақида одамларни огоҳ этиш учун ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, хонандаларни, ёшлар тарбиясига масъул ташкилот, муассасаларни катта бир дастур атрофига бириктириш керак деган фикр уйғонди. Шу тарзда тўрт йил аввал режани пухта қилиб амалга оширишга киришдик.

“Оғусиз дунё сари” дастури тўрт босқичда ўтказилади. Биринчи босқич январь ойи давомида олиб борилади. Аввал гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари, бу иллатнинг олдини олишга йўналтирилган “Энг яхши иншо”, “Энг яхши публицистик мақола”, “Энг яхши бадиий асар”, “Энг яхши плакат”, “Энг яхши видеофильм”, “Соғлом авлод” дастурини амалга оширишда энг яхши натижаларга эришган маҳалла, “Оғусиз дунё сари” дастури доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман, шаҳар кенгаши, шунингдек, ички ишлар бўлимлари учун кўрик-танлов эълон қилинади. Кўрик-танлов оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, жойларда ўтказиладиган махсус анжуман, учрашувларда кенг тарғиб этилади.

Барча номинациялар бўйича ғолибларни мукофотлаш учун қимматбаҳо совринлар қўйилгани ҳам кўрик-танлов иштирокчилари сонини кескин ортиб, маҳсулотларнинг сифати кўтарилиб боришида муҳим омил бўлаяпти. Хуллас жойларда минглаб талаба ёшлар гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақида иншо ёзишга ўтирадилар. Бунинг учун улар китоб ва газеталарни варақлайдилар, ота-онаси, ака-укаси, ўқитувчиларидан, атрофдагилардан сўраб маълумотлар йиғадилар. Мана шу жараённинг ўзи наркоманияга қарши катта профилактик тадбир эмасми?

Майгача вилоятнинг ижод аҳли дарахтга тушган қуртдек инсониятга хавф солаётган, террорчиларни боқаётган манбага айланган, жиноятчилик ва СПИДнинг илдизи бўлиб қолган наркомания ва наркобизнеснинг асл қиёфасини очиб берадиган ҳикоя, шеър, пьеса, очерк, мақолалар ёзадилар, сурат, плакатлар чизадилар. Минглаб ташкилот ва муассасалар, маҳаллаларда профилактик ишлар жонланади.

Иккинчи босқичда 8 та номинация бўйича туман ва шаҳар ғолиблари аниқланади. Улар рағбатлантирилади. Шундан сўнг ҳал қилувчи учинчи босқич бошланади. Ҳудудий ҳайъатлар томонидан кўриб чиқилиб, ғолиб деб топилганларнинг ишлари “Оғусиз дунё сари” дастури вилоят ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Мазкур ҳикоя, шеър, очерк, мақола, телекўрсатув, видеофильм, қўшиқ ижодкорлари билан ўқув юртлари, кинотеатрлар, меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказилади. Танлов жараёнида ижобий баҳоланган плакат, расм ва шеърлар тарғибот автомашиналарига ўрнатилиб, шаҳар ва туманлардаги гавжум жойларда айланиб юриши ташкил этилади.

Учинчи босқичнинг энг ҳаяжонли дамлари марказий ўйингоҳда минглаб томошабинлар иштирокида ўтказиладиган гиёҳвандликка қарши шоу-профилактик тадбирдадир. У ҳар йили такомиллашиб, янада таъсирчан бўлиб бораётир. Бу йил наркоманияга қарши плакат ва расмлар кўргазмаси кенг миқёсда ташкил этилди. Томошабинлар ўйингоҳга кираверишда ана шу галерея билан танишдилар. Ёнларига таъсирчан палкатлар чизилган "Дамас"ларнинг узун сафи бутун шаҳарни айланиб ўйингоҳга кириб келди.

Томошабинлар олқишлари остида “Оғусиз дунё сари” футбол турнири ғолиблари олтин, кумуш, бронза медаллари билан тақдирландилар. Бу мукофотларни олиш учун 32 та маҳалла жамоаси икки ой давомида ўзаро куч синашди. Кўрик-танловда ғолиб чиққан ёзувчилар, журналистлар, рассомлар Андижон шаҳридаги Форобий номли маҳалла, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Шаҳрихон ва Қўрғонтепа тумани бўлимлари, Избоскан туман Ички ишлар бўлими дипломлари, шунингдек, телевизор, компьютер, магнитафонлар билан мукофотландилар.

“Зулмат қироли” деб номланган театрлаштирилган кўриниш намойиш этилди. Наркомания ва наркобизнес келтираётган фожиани ғоят таъсирчан намойиш этган бу кўриниш томошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида Илҳом Иброҳимов, Сайёра Қозиева, Аваз Ғаниев, Феруза Жуманиёзова, Тоҳир Саидов, Мirодил Ҳакимов каби республикамизнинг таниқли эстрада хонандалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Айни дамда тўртинчи босқич тадбирини ўтказяпмиз. У 2004 йилнинг январигача давом этади. Вилоятда гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятнинг аҳволини таҳлил қилиш орқали вазияти носоғлом бўлган жамоа, ўқув муассасаларини аниқламоқдамиз, жойларда ёшлар орасида наркомания муаммолари ҳақида суҳбатлар уюштирмоқдамиз.

Ўтган йиллари “Оғусиз дунё сари” рангли журнали ва танлов ғолибларининг ишлари асосида “Мафтункор сиртмоқ” деб номланган китоб чоп этган эдик. Шу кунларда “Оғусиз дунё сари” журналимизнинг янги сони деярли тайёр бўлди. Ундан танловда ҳайъат томонидан ижобий баҳоланган ишлар ўрин олди. Рангли журнал жойларда бепул тарқатилади. Гиёҳвандлик муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борувчиларга, тадқиқотчиларга назарий ва амалий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз, аҳолининг барча қатламлари ўртасида сўровлар, тестлар ўтказамиз.

Хуллас, катта ишлар амалга ошириляпти. Хўш, 4 йилдирки, “Оғусиз дунё сари” дастури йўлга қўйилибди, натижа борми, дея савол беришингиз мумкин. Албатта, вилоятда гиёҳвандлик муаммоси ҳал этилди, дейишга ҳали жуда эрта. Биз ёшларни наркоманияга кириб келиши даражасини бирмунча камайтиришга эришдик. Гиёҳвандлик оқибатидаги ўлим ҳолати камайди.

***Энг асосийси наркоманияга қарши курашда милиция ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатдик, у кейинги муваффақиятларимизнинг гаровидир. Кейинги танловимизда 650 журналист иштирок этди, 13,5 мингдан зиёд расм плакатлар ҳайъат ҳукмига ҳавола этилди, 29500 бола иншо ёзди, бир неча видеофильм, бадиий асарлар ижод этилди. Демак, вилоятда гиёҳвандликка қарши кураш оммавий тус олди ва ўзининг ижобий самарасини берди.***

**Суҳбатдош:**
**Тўлқин СИДДИҚ,**
**“Адолат” мухбири.**

*Орамиздаги одамлар*

## ЮРАГИДА ЮРТ ИШҚИ

***Бу дилкаш, хушчақчақ инсонни Самарқандда кўпчилик танийди, ўз яқин кишиларидек дилдан суйиб ардоқлашади. Кўп йиллар давомида юқори лавозимларда ишлаб бировнинг дилини оғритмагани, юртнинг корига ярагани, улуғ ишларга бош-қош бўлганлиги боис ҳозир ҳам ҳурмат-эътиборда.***

Соли Ражабов бугун Ўзбекистон "Адолат" СДП Тайлоқ туман Кенгашининг биринчи котиби. У саркотиб сифатидаги ўзига хос иш услуби, партия сиёсати, мақсад ва ғояларини теран идрок этиши туфайли қисқа вақтда туманда кўплаб маслакдош орттира олди. Партиянинг туман ташкилотини сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам мустаҳкамлай олди. Шу боис "Адолат" СДПнинг вилоят Кенгаши раҳбарлари унинг партиявий иш услуби, тажрибасини вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам оммалаштиришга, тарғиб этишга лойиқ деб билишади. Тайлоқ туман ҳокимлигида эса партия ташкилотига, унинг саркотибига ишонишади. Одамлар турмушини яхшилаш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда унинг ёрдамига суянишади. Тайлоқ туманида ҳокимлик идорасининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, ҳамфикрлиги эса яхши самараларини бермоқда. Соли Ражабовнинг ўзи бу ҳақда шундай фикрлайди:

—Эркин фуқаролик жамиятида нодавлат тузилмалари, шу жумладан партия ташкилотлари бошқарув идоралари билан ҳамкорлик қилинганига қарамай улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилиши керак. Шунда ислоҳотлар илгари силжийди, камчиликларни тезроқ фаҳмлаб тузатиш чораларини кўра оласиз.

Бугун Тайлоқ туманида "Адолат" СДП аъзолари 200 кишидан ортиқ. Корхона ва ташкилотлар қошида эса 20 га яқин бошланғич ташкилот самарали фаолият юритмоқда. Айниқса туман Марказий шифохонаси, "Жумабозор" ширкат хўжалиги, Сочакипоён қишлоғидаги 11-ўрта мактаб қошидаги бошланғич ташкилотлар амалий ишларда барчага ўрнак бўлишмоқда. Хусусан иқтисодиётни бозор талаблари асосида ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, мактаблар ва тиббиёт муассасалари фаолиятини яхшилаш, қурилиш-ободончиликлар кўламини кенгайтиришда партия фаоллари янги-янги ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Соли Қурбонович саркотиб сифатида бугунги кун воқелигини, эртанинг истиқболини теран илғай олади. Шу боис туман иқтисодиётига янги технологиялар кириб келаётгани, саноатлашув жараёни кучайиб, хорижий сармоядорлар билан яқин ҳамкорлик йўлига ўтилганида унинг ҳам иштироки бор. Хусусан Соли ака агрономлик касби боис, Тайлоқда Исроилнинг экинзорларни томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишда бош-қош бўлмоқда.

Эл-юрт ташвишларидан ҳаловат излаб яшаётган бу ажойиб инсон бугун табаррук 70 ёшни қаршилади. Аммо юрагида ҳамон навқиронларга хос ғайрат ва шижоат. Юрт ишқида, истиқлол ва ислоҳотлар йўлида ёниб яшаётган замондошларимни янги бунёдкорлик ишларига руҳлантирсам, сафарбар этсам дейди. Бугун Соли Қурбоновични муборак ёши билан қутлаш учун йиғилган дўстлари, фарзандлари, партиядошлари ҳам унга эзгу, савоб ишларда асло ҳорманг, дейишмоқда:

Биз ҳам бу самимий тилакларга қўшилган ҳолда партия саркотибига, дилкаш, камтарин инсонга узоқ-умр, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ.**
**"Адолат" мухбири.**

## *Эртага — Асакада биринчи енгил автомобиль заводи ишга туширилганига 7 йил тўлади*

**Ўтган йиллар мобайнида бу ерда ишлаб чиқарилган неча минглаб «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» русумли автомобиллар юртдошларимиз оғирини енгил қилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ортишига ҳисса қўшяпти. Чет эллик ҳамкорларимизга манзур бўлмоқда.**



# «ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

### *дейди "Ғаллабанк"нинг Навоий вилоят минтақавий филиали бошқарувчиси муовини Нодир КАРИМОВ*



***Бугун "Ғаллабанк"нинг иқтисодиётимизда тутган муносиб ўрни хусусида ҳар қанча гапирсак оз. Ўз иш кўламларини тобора ошириб бораётган, янгиликларга дадил қўл уриб, мижозларини астойдил қўллаб-қувватлаётган ва албатта кўзланган мақсадларига эришиб, халқимизнинг обрў-эътиборига сазовар бўлиб бораётган мазкур банк жамоасининг ютуқлари ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. "Ғаллабанк"нинг Навоий вилоят минтақавий филиали бошқарувчиси муовини Нодир Каримов билан учрашиб, шу ҳақда суҳбатлашарканмиз у яна бир гапни алоҳида таъкидлади.***

—Аввало одамларни руҳию кайфиятини кўтарувчиси бир гапга эътиборингизни қаратмоқчиман,—деди у.—Банкимизнинг "Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!" деган ажойиб шиори ҳамиша биз билан ҳамкорликда ишлаётганларга хуш кайфият бағишлаб келган. Барака—бу тўкин-сочинлик, дастурхон тўла нон, юрт тўла дон, қўйингки яратган Эгамнинг бизга берган ризқу насибаси. Шундай экан, банкимизнинг шундай қутлуғ ният йўлида хизмат қилаётганидан мамнунмиз ва доимо "Ғаллабанк"нинг барча хонадонларга барака келтиришини тилаймиз.

**—Раҳмат,—дея миннатдорчилик билдирамиз суҳбатдошимизга. Ниятингиз ўзингизга ҳам йўлдош бўлсин. Энди жамоангиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар хусусида тўхталиб ўтсангиз?**

—Ўтган йилги иш натижаларимиз бўйича республикамиз "Ғаллабанк"и тизимида биринчи ўринни эгаллаб, раҳбариятимизнинг қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирланган эдик. Қувончли натижа бизни янада яхши ишлашга ва ютуқларимизни янада бойитишга руҳлантирмоқда. Ишчан жамоамиз томонидан олиб борилаётган изланиш ва интилишлар, мижозлар билан ишлашдаги бой тажрибаларимиз, кенг кўламда қўллаётган янгиликларимиз муваффақиятларимизни янада кенгайтиришга йўл очмоқда. Бошқачасига айтганда холис хизматимиз билан ислоҳотларга қаноат бағишлаяпмиз.

**—Зеро, бу бор гап. Айни пайтда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам "Ғаллабанк"да катта эътибор берилмоқда. Банк филиали томонидан бу борада қилинаётган ишлар ҳақида қисқача ахборот берсангиз?**

—Ўзбекистон Президентининг "Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорининг бажарилиши юзасидан минтақавий филиалимиз қатор ишларни амалга оширмоқда. Биргина шу йилнинг биринчи ярим йиллигида банкимиз томонидан 410 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилди. Кредит маблағлари ажратилиши натижасида 176 та янги ишчи ўринлари яратилишига эришилди ҳамда аҳолининг гўшт, сут, нон ва нон маҳсулотларига, маиший хизмат турларига, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжларининг қисман қондирилишига эришдик. Ажратилган кредитлардан тўлиқ, мақсадли ва самарали фойдаланилди. Жумладан, "Истиқлолнинг 10 йиллиги" фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш учун 5 миллион сўм ўрта муддатли кредит ажратилган эди. Бугунги кунда фермер хўжалиги томонидан 32 бош қорамол ва 20 бош қўй-эчки сотиб олиниб, 8 та янги ишчи ўринлари яратилди. Шунингдек, "Пропан Экстра" фирмасига ажратилган кредитлар натижасида газ ёқилғиси қуйиш шаҳобчаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Банк кредитидан тўлиқ ва мақсадли фойдаланилмоқда. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари лизинг асосида асбоб ускуна харид қилиб ўрта ва кичик бизнес субъектларига қулайликлар яратилмоқда.

**—Яна бир муҳим иш—банк кредит ресурсларини кўпайтириш юзасидан нималар қилинмоқда?**

—Банкимизнинг кредит ресурсларини кўпайтириш мақсадида аҳолининг ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банкимизда мавжуд янги омонат турларига жалб қилиш бўйича ташвиқот ва тарғибот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Натижада бугунги кунда омонатларга ва депозитларга жалб қилинган жамғармалар миқдори 244 миллион сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 125 миллион сўмга ошди.

**—Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 5 январидаги 8-сонли "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 4-бандига асосан, яъни, қайта ташкил қилинаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида тижорат банкларининг филиалларини ташкил этиш вазифаси топширилган эди. Мазкур қарорнинг ижроси минтақавий филиалда қай тарзда таъминланаяпти?**

—Қарор олдимизга катта вазифаларни қўйди. Унга мувофиқ Қизилтепа туманидаги "Ўртачўл" массивида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига қулайликлар яратиш мақсадида филиалимизнинг мини банкини очдик. Эндиликда у қизғин ва самарали фаолият кўрсатиб, янги тузилган фермер хўжаликларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 2003 йил ғалла ҳосилини етиштириш учун 8 та транш бўйича 1083,3 миллион сўмлик бўнак маблағлари ажратилиб, улардан тўлиқ, мақсадли фойдаланилди. Шундан ғалла ўрим-йиғим компаниясида ғалла ўрими билан банд бўлган тегишли хўжаликларга комбайнчиларнинг иш ҳақи учун 53,1 миллион сўмлик маблағлар ажратилиб, қисқа муддатларда тарқатилиб берилди. Айни кунларда ҳам ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига етиштирилган ғалла ҳосилининг маблағлари ўз вақтида, акредетив усулда тўлаб борилмоқда.

**Суҳбатдош: Рустам ДОСТОН, "Адолат" мухбири.**

*Янги асарлар*

# ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

### *ўтмишдан лавҳа*

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Тилим-тилим бўлган дилим,
Янграганда ноғора.
Сув солганда билинади
Таги тешик тоғора.
Қайлиғидан билиб олиб,
Яна менинг "сирим"ни.
Қассоб каби бўғизлайди,
Шилиб олар теримни.
Отасидек ёки мени
Дўланага боғлайди.
Бир ўқ етар, ёки зимдан
Билдирмай пичоқлайди.
Гулрухсорни алам билан,
Қучоғига босади.
Қўрқитади, келиб мени
Бир дарахтга осади.
Отам ўлди ёв ўқидан,
Онам ўлди оҳида.
Осса осар, ўксик қалбим
Бир дарахтнинг шоҳига.
Алам қилмас, ўлдиргани
Ё уриб, ё осгани.
Алам қилар севгилимни
Қучоғига босгани.
Кўкрагимни захга бериб,
Ётганимдан не фойда?
Бориб айтай у ҳам мендай,
Бир адашган гадойда!
Ё ўлдирар, ё қайтариб
Беражакдир Гулимни.
Йўқса бундай яшагандан
Афзал билиб ўлимни.
У ёш эди, билмас эди,
Нима дея айтишни.
Ҳамда тузган режасидан
Кечиб ортга қайтишни.
Қарасаки ён бағирлаб
Келмоқда қўш йўловчи.
Эшак минган аёл билан,
Милтиқ таққан бир овчи.
Бирдан унга аён бўлди,
Гулрухсорнинг қисмати.
Оқибати мана унга
Бахш этилган исмати.
Таёғини олиб аста,
Изларидан жўнади.
Балки инсоф қилар Ғаюр
Ўлдирмасдан қўнади.
Ё ўлдирса аввал уни
Сўнг қатл этсин аёлни.
Бутлаб бўлмас дарз кетганда
Ҳеч маҳалда сополни.
Демак, Гули севар экан,
Ҳатто этиб жон фидо.
Ишқ қурбони бўлишидан
Асра уни эй худо!
Аслида мен гуноҳкорман,
Мендан ўтди бу кўрлик.
Мени севиб бу кунларга
Қолдингми-а, сен шўрлик?
Кучи етмас Ғаюр билан
Солишмоққа сағирни,
Майли эди бир ўқ билан
Тилкаласа бағирни.
Онасидан ўрганганин
Қуш уяда қилади,
У Ғаюрнинг ниятини
Энди аниқ билади.
Қўшоғизни қўйиб Ғаюр,
Боғлар Гулин дарахтга.
Милтиғини олиб шу пайт,
Ўқ очгай у бадбахтга.
Гули билан шунда бирга,
Қочар ўзга овулга.
Майли кейин дуч келса ҳам
Фалокату довулга.
Ният холис, зимдан келди,
Рўй бермоқда шу ҳолат.
Ана милтиқ, кимсасиз жой,
Йўқдир гувоҳ кафолат.
Сал нарида Гулрухсорни
Ғаюр дарахтга бойлар.
Бу фурсатдан фойдаланиб
Тошпўлат уни пойлар.
—Тўхта дея, у қотилваш,
Аниқ мўлжаллаб отар.
Лек дайди ўқ учиб келиб
Қизнинг кўксига ботар.
—Нима қилдим, қалтирайди,
Хато қилган Тошпўлат.
Иккинчи ўқ энди унга
Таскин бўлолур фақат.
Қўшоғизнинг қўндоғини
Ерга босди аламдан,
Кўкрагини нишон этиб,
Қутулди дарду ғамдан.
Ғаюр тирик қолди, худо,
Эшитганди арзини.
Ўн йил ўтиб, кейин узди
Одамлардан қарзини...

**Олимжон БЎРИЕВ.**

# МУСТАҚИЛЛИК МУЛКИНИНГ МЕЪМОРЛАРИ

### *Истиқлол бадиалари*

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демоқчиманки, юртимизнинг уч муаззам шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг ўрнатилиши—бу ўзбек халқининг ўз қаддини тиклашидан рамзий далолат эди. Президентимиз — Амир Темур қаддини, элу юртимиз, Ватану Миллатимиз қаддини янгидан тиклаган буюк ҳурматларга, эҳтирому таъзимларга лойиқ инсондир.

* * *

Ер юзида қадимий шаҳарлар кўп: Рим, Афина, Дамашқ, Бағдод, Марв, Бухоро. Бу азим шаҳарлар тарихий тараққиёт жараёнида мамлакат ва халқ ҳаётида, унинг тақдирида муҳим ўрин эгаллаган. Улар хусусида улуғ тарихий асарлар юзага келган.

Ана шундай шарафга Самарқанд ҳам муяссар бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-адабий ҳаётида улуғ аҳамиятга молик бўлган, машриқу мағрибда шуҳрат қозонган Самарқанд қисмати бевосита ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқдир. Буюк Соҳибқирон бу азим шаҳарни ўз давлатининг пойтахти қилди, унда буюк қасрлар, олий бинолар бунёд этди, дилкушо боғларни барпо қилди. Етти иқлимнинг мўъжизакор ҳунармандлари, донгдор олимлари, ҳассос меъмор ва муҳандислари, оламга машҳур ориф инсонлари Самарқандни ватан қилдилар, иқтидор ва салоҳиятини бунёдкорлик ишларида намойиш этдилар.

Амир Темур замонида Самарқанд жаҳоннинг энг шуҳратли шаҳарларидан бирига айланди. Илму маърифат, адабиёт ва санъат ривож топди, маданият гуллаб-яшнади, маънавиятнинг мусаффо чашмаларидан улус баҳраманд бўлди, олиму шоирлар, бастакору мусаввирлар, мутасаввуф аҳлию маънавият кишилари буюк Соҳибқироннинг меҳру мурувватзи, салоҳияту донишмандлиги олдида ҳайратга тушдилар, эл-улус эса осойишталик масканида нафас олди, зироат ва тижорат билан шуғулланди, элу юрт обод, рўзғори эса фаровон бўлди.

Темурийлар замонида яшаб ижод этган улуғ бобокалонимиз, ҳазрат Алишер Навоий Амир Темур обод этган Самарқандни афсонавий жаннатларга тенглаштириб: "Самарқандни фирдавсмонанд", яъни жаннатга ўхшаган Самарқанд деб атайди, улуғ шоир тасаввурида Самарқанд бир жаннат бўлса, атрофидаги ариқлар—жаннат ариқларидир. Руди Кўҳак—Зарафшон дарёсининг суви асал билан тенгдир. Бу сув беморни даволайди. Ундан Самарқанд водийси баҳраманд. Пуштаи Кўҳак, яъни, Чўпонота тепалиги жаҳон тилсимотининг хазинасидир. Ундаги ҳатто "ушоқ тош"лар ҳам "лаълу инжу" билан тенгдирлар, деб шундай ёзади улуғ шоиримиз ва мутафаккиримиз Алишер Навоий:

**Латофат аро равзадин баҳр анго,**
**Вале исм улуб Мовароуннаҳр анго.**

**Оқиб ҳадди шарқида Сайҳун суви,**
**Бориб ҳатти ғарбида Жайҳун суви.**

**Бўлиб ҳар еридин жудо наҳрлар,**
**Ки, ҳар наҳри обод этиб шаҳрлар...**

Демак, Амир Темур замонида бугунги Амударё ва Сирдарё оралиғидаги Мовароуннаҳр, яъни Ўзбекистон тупроғи икки улуғ дарёнинг зилоллигидан жаннат диёрига айланганига шак-шубҳа йўқ.

Соҳибқирон ҳазратлари озод ва обод этган қадимий Самарқанднинг истиқлол шарофати туфайли Амир Темур ордени билан тақдирланишининг ўзи улуғ воқеадир.

* * *

Ўзбек халқи Соҳибқирон Амир Темурни ҳеч қачон унутгани йўқ. Совет тузуми даврида уни ёд этиш, барҳаёт руҳини хотирлаш, арвоҳини шод этиш ман қилинган бўлса-да, халқимизнинг қадами Гўри Амирдан узилгани йўқ. У доимо халқимиз юрагида яшади, барҳаёт номи эсланди.

Тоталитар тузум сиёсати халқимизнинг буюк фарзандини унга бегона қилиб кўрсатишга уринди, уни босқинчи, золим, қонхўр деб атади. Шу билан уни халқ кўзига ёмон кўрсатишга уринди. Аммо ниятига етмади. Буюк Истиқлол Амир Темурни яна ўз юртига, яна ўз халқига қайтарди. У бугун Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг шавкатига, ифтихорига айланди.

Дарвоқе, Амир Темур азалдан шундай эди ва шундай бўлиб қолади. Эндиликда унинг шон-шуҳратига, буюк салтанатига, улуғ мамлакатига ҳеч кимса чанг сололмайди.

Ўзбек халқи бор экан, ўзбек тупроғи омон экан буюк Соҳибқирон номи абадий барҳаётдир. Келгуси насллар ўзларининг буюк аждоди қошида таъзимда бўладилар, унинг барҳаёт руҳи покларини шод этадилар.

"Куч—адолатдадир" ҳикматини ўзига шиор этган буюк Соҳибқирон дунёнинг қайси мамлакатига қадам қўймасин, ақлу идрок билан уни забт этмасин, ўша мамлакат халқларини зулму истибдоддан озод этди, ўша давлатларда адолат ўрнатди, адолат самаридан фуқароларни баҳраманд қилди, уларнинг бошини силади, кўнглига йўл топди. Амир Темур ҳазратларига бўлган ҳурматимни "Қутби миллат", "Биз—Темур авлодимиз", "Афросиёб", "Соҳибқирон салтанати ёҳуд халқимиз даҳосининг тимсоли", "Куч—адолатда, билим ва тафаккурда" деган назмий ва насрий асарларимда ифода этдим.

Ўзбек халқи борки, Амир Темур барҳаётдир. Амир Темур борки, ўзбек халқининг довруғи достон. Аҳли жаҳон ўзбек деса Амир Темурни, Амир Темур деса ўзбек халқини англайди.

Соҳибқирон Амир Темур номи Самарқанд билан чамбарчасдир. Ҳазратнинг муқаддас ҳоки Самарқанди азимда, Гўри Амир мақбарасининг азиз ва қутлуғ заминида. Яна аҳли жаҳон Самарқанд деса Амир Темурни, Амир Темур деса Самарқанди азимни тушунади. Зеро, Самарқанд—ўзбекнинг бешиги, Амир Темур эса, ўзбек бешиги бошида турган раҳнамо падардир!

* * *

Амир Низомиддин Алишер Навоий—доно сиёсий арбоб, улуғ мутафаккир олим, ҳассос рассом, зариф мусиқачи, тенги йўқ сўз санъаткори. Маданиятнинг у дахлдор бўлмаган бирон бир соҳасини топиш амримаҳол. Алишер Навоий инсоний фазилатларнинг ҳаммасини ўзида мужассам этган чин инсон эди. У умр бўйи машъала янглиғ ёниб яшади, ҳар бир қадамидан ўчмас из қолдирди. Шоир умрининг сарҳисоби бамисоли чексиз уммонга ўхшайди.

Алишер Навоий адабий фаолияти ўзбек адабиёти учун айниқса, чексиз аҳамиятга эга. Унинг бой адабий меросида икки қутб—икки ҳодиса алоҳида яққол кўзга ташланиб туради. Биринчидан, эски ўзбек тили, ҳукмрон бўлиб келган форс тили сингари инсон тафаккурининг мукаммал воситаси эканлигини кўрсатиб берди. Иккинчидан, бадиий сўз камолотининг гултожи бўлмиш адабиёт XV асрда сўнмаганлигини исботлади, унга ҳаётий куч бағишлади. Адабиётни халқ хизматига чорлади. Шоирнинг ҳар бир ғазали туркий тилли халқлар бебаҳо хазинасининг йирик гавҳаридир. Шу туфайли ўзбек тилида яратилган бадиий асарнинг қиймати борми-йўқми, деган мунозаралар Навоий давридаёқ барҳам топди. Натижада, ўзбек халқи ўз маънавиятини ўз она тили асосига қуриш учун кенг имкониятга эга бўлди.

Гарчи тарихий шарт-шароит шоир салоҳиятини тўла-тўкис намоён этишга дарҳол имкон бермаган, она тили учун узоқ йиллар кураш олиб боришга тўғри келган бўлса-да, бу курашда, барибир, Навоийнинг ижоди доимо ўзбек халқи илғор қисми учун байроқ бўлиб келди. Халқ ҳар доим уни маънавий устози, дўсти ва ҳимоячиси деб билиб, доимо ҳикматли сўзларини тилдан қўймади, ғазалларини меҳр билан куйлади. У яратган қаҳрамонлар—довюрак Фарҳод, бахтсиз Мажнун, соф муҳаббат, садоқат тимсоли бўлмиш Ширин ва Лайли ҳақида янгидан-янги қўшиқлар ижод этди.

Биз Алишер Навоий ижодида икки жиҳатни бир-биридан ажрата билишимиз керак. Уларнинг бири—Навоий ўзидан олдинги адабий жараёндан мерос қилиб олган анъана бўлиб, бу унинг ўз асрининг комил фарзанди даражасига кўтарилишидир. Иккинчиси эса унинг чинакам даҳо сифатида ўзбек адабиёти тарихига қўшган янгиликларидир. Ва ниҳоят, шуни айтиш керакки, Алишер Навоий янги сўз айтмаган тафаккур соҳасининг ўзи йўқ.

Ўрта аср ижтимоий муҳити шарқнинг фалсафий тафаккурини жар ёқасига келтириб қўйди. Навоий эса ҳур фикрнинг жонланишига ҳаётбахш таъсир кўрсатди. Жумладан, у танқидий фикрлаш байроғини баланд кўтарди, халқни барча соҳаларда билимдон бўлишга даъват этди. Маълумки, зодагонлар мафкураси дабдабабозликни талаб этган, сарой аҳли, юқори табақа вакиллари ҳашаматли ҳаётга, ишратга берилган бўлса, шоир одамларни инсоният фаровонлиги йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга, бу меҳнатни таъна қилмасдан, уни ҳаётий эҳтиёжлар самарасига айлантиришга чақирди.

Ўша даврда меҳнаткашлар оммаси бирон бир ҳуқуққа эга бўлмай, фақат жабр-зулмга маҳкум этиб қўйилган бўлса, Алишер Навоий уларни эҳтирос билан ҳимоя қилиб чиқди. Инсон ҳуқуқларини топташнинг ўзи катта гуноҳ эканлигидан огоҳ қилди. Агар у замонда қонли жиноятлар шунчаки оддий иш саналиб, ҳукмдорлар ҳеч иккиланмай одамларни қатл эттирган бўлса, у чинакам инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилди.

Навоий даҳо мутафаккир ва буюк шоир бўлибгина қолмай, айни вақтда сўзнинг том маъносидаги ўз халқини севгувчи комил Инсон. Бундай инсон эса абадий яшашга ҳақли!

Навоий ижоди биз учун бетимсол мактаб. Буюк шоир ўз асарлари билан мангу барҳаёт! Биз уни ўрганмоқдамиз ва кашф қилмоқдамиз. Бинобарин, ўз буюк фарзандининг хотирасини муқаддас сақлаш, унинг адабий меросига чуқур эътиқод қўйиш, сидқидилдан ўрганиш халқимизнинг шарафли иши ва муқаддас бурчидир.Алишер Навоий бизнинг шамсул миллатимиз яъни миллатимизнинг қуёшидир.

* * *

Дейдиларки, киндик қонинг тўкилган тупроқнинг тузи ва у ерда қулоғингга кирган илк калима, атрофингни қуршаган турфа гуллар, дов-дарахтлар, ҳаттоки тошлар ҳам, гўдаклик чоғингда эшитганинг қўшиқ ва ривоятлар бир умр шоир қалбини қуёш мисоли иситиб, ҳарорат бахш этиб туради.

Дейдиларки, дунёга келган хонадонингдаги жамики қувончу ташвишлар шоир қалбини ҳамиша ё шод этиб, ё ларзага солиб туради.

Дейдиларки, илк бор юракни жизиллатган нарса шоир қалбида мангу қолади.

Самарқанддаги Гўри Амир ва Регистонга биринчи дафъа ҳайрат ила термулганимда келажакда шоир бўлишим хаёлимга ҳам келмаган эди.

Самарқанд—менинг Ватаним! Шу заминда униб-ўсдим, ўқидим, не-не воқеа-ҳодисаларни кўрдим, ёш қалбим ила идрок этдим: тантаналар ва суронли воқеалар одамларинингчи—довруғи оламга ёйилган, қарийб бутун ер юзини ларзага солган буюк инсонлар ва ёруғ дунёдан чумоли мисоли яшаб ўтганлар, олийжаноб, саховатли кишилар ва сотқин, қаллоб кимсалар тарихи уч минг йилга бориб тақаладиган бу тарихий шаҳар уларнинг ҳаммасига ўз бағридан жой берган.

Бу юрт, бу халқ тарихини қанчалар чуқур, теран ўрганганим, билганим сари дунёга Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Хожа Аҳрор Валий, Али Қушчи ва Муҳаммад Ялангтўш каби буюк зотларни, бошқа кўплаб шавкатли инсонларни берган шу халқнинг, шу заминнинг фарзанди эканимдан қалбимдаги ғурур туйғулари жўш ураверади.

Айни чоғда дилимни бир ташвиш, бир хавотир ўртайди: шунчалар буюк, шуҳратдор аждодларим шаънига, озгина бўлса-да, муносиб бўла оламанми? Юрагимда илк бора шеърий мисралар қуйилиб келишининг боиси ана шу ўйлар, ғурур мавжларию хавотир тўлқинлари бўлса, не ажаб!

Ҳар сатри камалакдек товланувчи, ҳар мисрасида оламшумул маъно ва мазмун мужассам, бунинг устига беш ярим асрдан буён қўлдан тушмай эъзозланиб келаётган Алишер Навоийдек шоири бор халқнинг адиби бўлиш ғоят мураккаб ва мушкул.

Мен, ҳар қалай, таваккал қилдим, 1954 йилдан шеърларимни эълон қила бошладим. Шундан бери шеъриятнинг турли жанрларида битилган қирқдан зиёд китобларим чоп этилди, йигирмадан зиёд достон ёздим. Улар орасидан "Афросиёб", "Шарқ камалаги", "Висол ва ҳижрон", "Шарора", "Ватан тупроғи", "Сонетлар", "Ким сокин яшайди Ўзбекистонда" китобларини, "Самар ва Қанд", "Самарқанд ушшоғи", "Ҳайкаллар сўзлайди", "Адашган кема", "Ёшлик замони", "Тожмаҳал", "Ҳасби ҳол" достонларини ва ўттиз ёшга кирмай ёзган Бобур ҳақидаги "Кун ва тун" (1966) достонини алоҳида меҳр билан таъкидлагим келади. Зеро, уларнинг ҳар бири менинг ижодимда муайян босқич бўлиб қолади. Насрий ва публицистик асарлар ёздим, хорижий адиблар асарларини таржима қилдим, маълум муддат адабиётшунослик илми билан машғул бўлдим, натижада филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилдим. Докторлик диссертацияси ҳақидаги барча ишларимни йиғиштириб қўйиб, ҳазрат Навоий даҳоси билан банд бўлдим.

Бироқ, ижодий фаолиятимнинг асосий йўналишини Алишер Навоийнинг кўп қиррали, мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла ижоди ва ҳаётини ўрганишда, таҳлил ҳамда идрок этишда, деб белгиладим. Чунки 1957 йилдан буён Навоийни англашга ўзимни бағишлаган эдим. Уни астойдил мутолаа қилдим.

Биз билан Яқин Шарқни кўп асрлардан бери бирлаштириб келган ва ҳозир ҳам бирлаштираётган ягона дин Ҳиндистондан Атлантика океанигача бўлган бепоён кенгликдаги турли мамлакатлар ва кўплаб халқларнинг маданий мероси, маънавий, илмий ва ўзга соҳалардаги ютуқларининг таг замини, мустаҳкам қўрғонидир. Бу барча халқлар қандайдир рангсиз, ўз қиёфасидан маҳрум, бир хил қолипдаги оммага айланиб қолди, дегани эмас. Мусулмон дини унинг тарихи исботлаб турибди,—демократик йўл тутган. Шунинг учун Осиё, Африка ва Оврўпа халқларининг ҳар бири ўзича, фақат ўзига хос энг яхши ва қимматли нарсаларини умумий маданий ҳаракатга қўшганки, бу ўрта асрлардаги Буюк Шарқ маданиятининг олмос каби товланувчи сонсиз қирраларини ташкил этади.

Агар ҳар бир халқ, айтайлик, мусулмон олами сингари ўзининг тилини, тарихий йўлини, ақлбовар қилмас эпосларини, илмини йўқотиб, ягона мафкура байроғи остида қуруқ иқтисодий ва моддий масалалар билан машғул бўлиб қолмаганида, бу ютуқлар ҳадсиз-ҳисобсиз бўлиши тайин ва шубҳасиз эди. Ҳар бир халқ маданияти орасидан фақат маънавият ва ўзига хосликкина ўша халқни, демакки, бутун инсониятни охир-оқибат энг баланд иқтисодий чўққиларга элта олади. Бугунги дунё харитасига кўз югуртириб хаёл отимиз жиловини бўшатсак бу фикрнинг нечоғли тўғри эканлигига имон келтирамиз.

Шунинг учун бизнинг мамлакатимизда, бошқа жойларда ҳам, Мустақиллик деб юритилаётган ҳаракат барча халқларнинг маънавияти ва маданиятини айнан мана шу йўсинда қайта тиклашга олиб бормоқда, кенг йўл очилмоқда, ер юзидаги истаган халқ билан турлича алоқалар ўрнатиш учун уларга кенг имконият, нурли истиқбол яратилмоқда, илгари "ёпиқ жамият" деб аталган бизнинг эшикларимиз ҳам энди кенг очилмоқда.

Тўғри, араб ёзувчилари билан алоқаларимиз илгари ҳам ёмон эмасди. Аммо бир неча араб адибларининг китобларини ўз тилимизда нашр этганмиз. У асарларнинг бадиияти эмас, мафкураси бизнинг мавжуд мафкурамизга нечоғли тўғри келиш ёки тўғри келмаслиги биринчи ўринда турар, ана шу нуқтаи назар масалани ҳал қилар эди. Истиқлол замонаси бундай қарашлар барҳам топишига умид боғлаш имконини бермоқда.

Энди—Мустақиллик шароити маданий алоқаларимизнинг янги шаклларини топиш ва бундан кейин бу эзгу ниятни изчил ривожлантириш йўлларини қидириш учун энг қулай давр, деб ўйлайман. Ранг-баранг араб мамлакатларининг барча ёзувчилари ва маданият арбобларига мана шу даъват ила мурожаат қилишни истар эдим.

1991 йилда биз Алишер Навоий таваллудининг 550, 2001 йилда эса 560 йиллигини нишонладик. Ушбу юбилейлар ҳам мутлақо янгича руҳда ўтди. Бу Ҳурлик байрами эди. Шу боис улуғ аждодимиз—Мирзо Улуғбек тилидан айтилган қуйидаги мисралар ёдимга тушади:

**Маърифат чироғи ёнган Ватанда,**
**Жаҳолат тунида қолмагай банди.**

Мен гарчи Алишер Навоийнинг болалик, ўсмирлик, ёшлик йилларини, Самарқандда кечган даврини, унинг Ҳиротда шоир ва давлат арбоби тарзидаги фаолиятини акс эттиришга интилиб, қирқ минг мисрадан иборат шеърий "Навоийнома" чоркитобини ёзган бўлсам-да, табаррук тупроқнинг бу буюк фарзандига нисбатан қизиқиш ҳамда ҳавасим сира сўнгани йўқ, бир умр сўнмаяжак. Бу асаримни ўша улуғ зот номи билан "Навоийнома" деб атадим. Кейин буюк шоиримизнинг пири муршиди Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари ҳақида "Ҳайрату-л-Аҳрор" ("Аҳрор ҳайратлари") достонини ёзиб, унда ҳам улуғ устоз Алишер Навоий тимсолини яратиб, "Навоийнома"-га бешинчи достон қилиб қўшдим ва уни "Янги Хамса" деб атадим. Бу улкан асар ҳазрати Алишер Навоийга бўлган меҳру муҳаббатим рамзи бўлса, ажабмас. Қарийб 50 минг мисрадан иборат "Янги Хамса" Навоий ҳақидаги "панж ганж"дир.

Шахсан ўзимнинг, жуда кўп ижодий ниятларимнинг рўёбга чиқиши борасида Истиқлолга катта умид билан кўз тикаётганимнинг асл боиси мана шунда. Мустақиллик зафарномаси бўлмиш "Ўзбекнома" китобим улуғ мақсадимнинг рўёбга чиқишининг яна бир нишонасидир.

Мустақиллик йилларида зўр қувонч ва комил ишонч билан Истиқлол бадиаларини битдим. Ўн икки йил мобайнида юзга яқин публицистик асарларим вақтли матбуотда эълон қилинди. Озодлик қуллиёти бўлмиш бу асарларимни яхши ният, улуғ орзу, комил мақсад билан "Навоий Ватани" деб атадим. Истиқлол бадиалари—менинг шеърга сиғмаган гапларим, ўй ва фикрларим, орзу ва хаёлларим, элимга байрам туҳфаси бўлсин!

Ҳа, Ҳуррият, бу—менинг миллионлаб юртдошларим учун ёрқин ва қувончли нур. Бу нур одамлар дилидаги энг эзгу ниятларнинг, ўй ва орзуларнинг юзага чиқишига, амалга ошишига умид боғлаш учун тўла асос беради.

Яна, менинг назаримда, Мустақиллик Буюк Шарқ маданиятининг қайтадан қад ростлаши учун ёрдам беради, иншооллоҳ!

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**Алишер Навоий номидаги**
**Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби.**

